

TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda
asos solingan

2025-yil 26-fevral / CHORSHANBA / № 11 (13772)

БЎСТОНЛИК: БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Бўстонлик тумани республиканинг энг гўзал ҳудудларидан бири бўлиб, табиати, сайёҳлик салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари билан мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутди. Сўнгги йилларда туманимизда аҳолининг фаровон яшаши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилинмоқда. Фуқароларнинг турмуши кундан-кунга яхшиланаётгани амалга оширилаётган ишлар бесамар кетмаётганини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга, хусусан, туманимизга қилган таширфларида маррани янада баланд олишимиз учун муҳим ташкилий ва молиявий асослар яратиб берилди.

▼ “Тошкент ҳақиқати” минбари

4



Жўрабек АХМЕДОВ,
Бўстонлик тумани ҳокими



▼ Sayyor qabul



YUZMA-YUZ MULOQOTLAR DAVOM ETADI

**Toshkent viloyatida
Respublika ishchi guruhi
tomonidan viloyat sektor
rahbarlari, shuningdek, vazirlik
va tashkilot rahbarlari tomonidan
ommaviy sayyor qabullar tashkil
etilmoqda. To'rt kun davomida
o'tkaziladigan ommaviy sayyor
qabulning dastlabkisi
Yangiyo'l tumanida
bo'lib o'tdi.**

Unda viloyat hokimi Zoyir Mirzayev boshchiligidagi barcha viloyat sektor rahbarlari, tegishli boshqarma va tashkilot boshliqlari ishtirok etishdi.



Ishlab chiqilgan dasturga ko'ra, sayyor qabulda Yangiyo'l, O'rta Chirchiq, Quyi Chirchiq, Zangiota tumanlari hamda Yangiyo'l shahri aholisining murojaatlari ko'rib chiqildi.

– Jamiyatdagi muammolarni hal etishda rahbar va aholi o'rtasida mustahkam aloqalarning yo'lga qo'yilishi juda muhim, – deydi viloyat hokimi. – Sayyor qabullar ana shunday kommunikatsiyaning mustahkamlanishiga yordam beradi. Xalq qachon rah-

barga ishonadi? Qachonki rahbar uni qiyinab kelayotgan muammolarga yechim topsa. Bu galgi ommaviy sayyor qabulda respublika ishchi guruhining ham ishtirok etayotgani mavjud muammolarga yanada tez va oson yechim topish imkonini beradi.

Sayyor qabulda fuqarolar tomonidan asosan ijtimoiy himoya, sog'liqni saqlash, tadbirkorlik, bandlik bilan bog'liq ikki yuzdan ortiq murojaatlar kelib tushdi. Ularning aksariyati joyida hal etildi, ba'zilarini joyiga chiqib o'rganish bo'yicha mutasaddilarga topshiriqlar berildi.

– Men Yangiyo'l tumanidanman, – deydi Inobat opa Shahodatova. – Mahallamiz yo'llari bir necha yildan beri ta'mirlab holatga kelib qolgan, transformatorlar ham ancha eskirib qolgandi. Bir necha bor mas'ullarga murojaat qildik. Biroq, hech kim e'tibor qaratmadi. Oxiri, ushbu masala

bo'yicha viloyat hokimiga murojaat qilishga majbur bo'ldik. Ular tegishli mutasaddilarni chaqirib, muammoni o'rganib, ijobiy hal qilish bo'yicha topshiriq berdilar. Buning uchun viloyat hokimiga rahmat.

Viloyat bo'ylab ommaviy sayyor qabullar davom etadi.

Mehridin IBRAGIMOV,
“Toshkent haqiqati” muxbiri
Jaloliddin ESONOV
olgan suratlar

Bog'bonlardan “mahorat darsi”



▼ Yashil makon

Nurafshon shahridagi “Media xodimlari va ijodkorlar bog'i”da turli ko'chatlar, manzarali gullarni ekish, parvarishlash bo'yicha amaliy seminar o'tkazildi.

2

ARMIYA VA TARBIYA

Sirojiddin SAYYID,
Oliy Majlis Senati a'zosi,
O'zbekiston xalq shoiri

Yangi O'zbekistonning milliy armiyasida,
Shoirilar ham safdoshdir ta'lim-tarbiyasida.

Ya'ni har bir ijodkor, har yozuvchi yo adib –
Sardor bo'lmog'i kerak bilimdon va botartib.

Har jangovar askarning biz ham teng-to'shlarimiz,
Qalam-la qurollangan Qurolli Kuchlarimiz.

Kim Temurxon boboning qudratini bilmagan?
Bobo orzu qilgan, lek xayoliga kelmagan:

Kimki shubha qilgaydir dovrug'i, kamoliga –
“Temurbeklar maktabi” javobdir savoliga.

Inchunin har bir zobit, har sipoh, har bayroqdor,
Kechgan shonli janglardan bo'lmog'i shart xabardor.

Millat xoki poylari tavof qilsa arziydi,
“Zafarnoma” yaratmish mavlono Ali Yazdiy.

Davlati poydorlikning mangu guvohnomasi –
“Zafarnoma” emas, bu – buyuk xalq shohnomasi.

O'pgil, ey Yevropa sen, barmog, uzuklaridan,
Hanuz saboq olgaysan “Temur tuzuklari”dan.

Butun olam ahliga harbiy nomamdir mening,
Jangnomam, kurashnomam – “Boburnoma”mdir mening.

Vatan – jon va tandadir, jon Vatan – jon va tandir,
Vatanparvar insonlar jon chekib, jon tikkandir.

“Iyolu Vatan uzra to joni bor, – deb aytgan,
Kishi harb etar toki imkoni bor”, deb aytgan,

Navoiy bobomizdan timsol keltirsam agar,
Necha ming ko'ngillarni uyg'otmog'i muqarrar.

Har shoir, har askarga qat'iyat, shiddat kerak,
Azmu shijoat kerak, ilmu ma'rifat kerak.

Bunda har on asqatar aqlu fahmu farosat,
Dunyoviy bilimlar ham matonat va sadoqat.

Bu qanday dilbar diyor, dil diyor, dildor diyor,
Askarlari ham bedor, shoirilari ham bedor.

Ammo olam avzoyi – kecha-kunduz talotum,
Boisin aytolmagay biror Alp yo Aflotun.

Fitrat domla aytganday: Dunyo – kurash maydoni,
Bir tomoni toshqinlar, yong'indir bir tomoni.

Dunyoning dunyolikka qolmaganday holi ham,
Qirg'inbarot urushlar davom etar hali ham.

O'ttiz yetti million xalq, o'ttiz yetti million qalb,
Qalbm, sen ham shu safda hushyor bo'lgil, uyg'on, qalq!

Toki xavfu xatar bor, shudir temir tarbiya:
Har birimiz – posbonimiz, har birimiz – armiya.

Xalqu Vatan tashvishi – barchaning teng ishidir,

Bugun har bezovta qalb – xavfsizlik kengashidir.

Shu boisdan tinchlugu tinch osmoningga sharaf,
Biz ezgulik tarafmiz, bizlar xalqimiz taraf.

Mening ham ko'ksim to'la g'urur bilan iftixor:
O'zbek armiyasi bor! O'zbek xalqi ham poydor.

O'ylasam shul Vatanni – jimirlar ko'ngillarim,
Ey, mening sarbozlarim! Mening generallarim!

Shonli, shavkatli diyor, shu safda men ham borman,
Ne baxtkim, saodatu baxtingga daxldorman.

Dunyoda Vatan tanho, xalqu millat yagona,
Millat bedor bo'lsa gar, tinch bo'lgaydir zamona.

O'ttiz yetti million xalq, yana shuncha dil, yurak,
Hushyor yashamoq kerak! Hushyor yashamoq kerak!

Miloyon-miloyon beshikda – chaqaloqlar lashkari,
Tamshanib o'smoqdadir – kelajakning askari.

Lashkar bexatar bo'lmas, aytib ketgan bobolar,
Onalar duo aylar, duo aylar momolar.

Ona yurt, ota makon, men ham bir askaringman,
Uyg'oq qalamim birlan xizmatkor navkaringman.

Angladimki: dunyoda na jon, na tan abadiy,
Faqat Vatan abadiy, faqat Vatan abadiy.

Mening ham har bir she'rim – hayotu mamotimdir,
Oliy Bosh Qo'mondonga ichgan qasamyodimdir.

Boq'bonlardan "mahorat darsi"

Viloyatdagi shahar va tumanlar hokimlari, hududiy obodonlashtirish boshqarmasi rahbarlari qatnashgan seminar mahalliy iqlimga mos agrotexnik tadbirlar xususida fikr almashildi. Bunda asosiy e'tibor aholi dam olish maskanlari – xiyobon, yo'laklar, istirohat bog'larida zamonaviy landshaft dizaynini joriy qilishga qaratildi.


Xususan, joriy yilda Nurafshon shahrining markaziy ko'chalariga turli atirgul ko'chatlari ekish rejalashtirilgan. Ayni paytda ko'chatlar keltirilib, ekish uchun hozirlab qo'yilgan.

Seminar soha mutaxassislari va usta bog'bonlar o'z tajribalari bilan o'rtoqlashdilar.

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)

Kunning ikkinchi yarmida ishtirokchilar Toshkent tumanidagi "Muhammad Ishonch Agro" MCHJga qarashli "Furlan" ko'chatxonasida bo'lishdi. U yerda mutaxassislar ko'chatni qanday parvarishlash va gulchilikni rivojlantirish bo'yicha master-klass o'tkazishdi. Shuningdek, bu boradagi tajribalarni tomorqachilik yo'nalishiga ham keng tatbiq etish bo'yicha fikrlar bildirildi.

– Olti yildan beri shu yo'nalishda faoliyat yuritamiz, – deydi MCHJ rahbari Abdullo Shukurov. – Jami yer maydonimiz 5,73 gektar, shundan 5,1 gektari suvli ekin maydonidir. Jamiatimiz Gollandiya, Isroil, Germaniya va Shveysariya davlatlari bilan urug'chilik



va mineral o'g'itlar bo'yicha hamkorlikni yo'lga qo'ygan. Shuningdek, 1,8 gektar maydondagi zamonaviy issiqxonada turli sabzavot ko'chatlari yetishtiramiz. Ko'chatlar qo'shni Qozog'iston, Turkmaniston, Tojikiston respublikalariga



yashillic darajasi 14,5 foizga yetkaziladi. Joylarda Ochiq budget portali orqali "Mening bog'im" loyihasi bo'yicha barcha tuman-shaharlarda "yashil bog" yoki "yashil jamoat parklar"i barpo etiladi. Umumiy foydalanishdagi 623 kilometr avtomobil yo'llari bo'ylarida ihotazorlar tashkil etilib, manzarali, mevali va buta ko'chatlari ekiladi.

Tadbirda Toshkent viloyati hokimi Zoyir Mirzayev ishtirok etdi.

Nigora O'ROLOVA,
"Toshkent haqiqati"
muxbiri

"ТОМОРҚАДАН ТОПГАНИМИЗ ТОТЛИ", дейишмоқда ўртаовулликлар

Аҳоли даромадларини ошириш, бозорлар тўкин-сочинлигини таъминлаш орқали турмуш фаровонлигига эришишда томорқадан унумли фойдаланишнинг ўрни катта.

▼ Ер – хазина

Зангиота туманининг "Ўртаовул" маҳалласида томорқасини обод қилиб, меҳнати ортидан рўзгорига барака кири-таётган оилалар кўп. Маҳаллада 1 минг 798 нафар аҳоли истиқомат қилади. Мавжуд 585 та хонадоннинг томорқа майдони 47,9 гектарни ташкил этади. Бугунги кунда мазкур хонадонларнинг 440 тасида томорқа, 120 тасида иссиқхона бор. Уларда асосан сабзавот ва кўкатлар етиштирилади.

Турмуш ўртоғи бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган Озода Фозилова 6 бола билан ёлғиз қолди. Аммо ҳеч бир эшикка тамагирлик қилиб бормади. Бор кучи билан муъжазгина томорқасида меҳнат қилиб, болаларига ҳалол лўқма едирди. Бугун у ҳаётидан рози. Бир мавсумда 4 мартагача ҳосил олишга эришмоқда.

– Яхши меҳнат қилинса, томорқадан олинаётган ҳосил ва даромадни 2-3 бараварга ошириш мумкин, – дейди Озода опа. – Бизнинг иқлим шароитимиз йил давомида деҳқончилик қилиш имконини беради. Томорқадан оқилона фойдаланиб, харидоригар ва мўл ҳосил берадиган экин экиш керак. Оиламизнинг тирикчилиги шу томорқа орқасидан.

Айни пайтда иссиқхонада салат барги барқ уриб ўсиб турибди, унинг сотуви аллақачон бошланган. Бундан кейин булғор

қалампир экиш режалаштирилган. Хуллас, томорқа йил давомида бўш турмайди.

Шавкат Ойхўжаевнинг томорқасида ҳам бўш қолган ер йўқ.



йишган. Ҳовли четидаги кўра кўйга тўла.

– Президентимиз ердан, хусусан, томорқадан оқилона фойдаланиш келажигини кўп такрорлайдилар, – дейди маҳалла раиси Ғофир Соипов. – Бунинг замирида аҳолининг фаровон яшаши, яхши даромад топиши, орзу-ҳавас кўриши мумкин. Шунинг учун бу масалага катта эътибор қаратиляпти. Зеро, томорқачиликнинг ривожланиши оилаларга барака киритиш билан бирга аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам катта аҳамият касб этади.

Иссиқхонага салат барги, атрофига исма-лок экилган. Ҳаттоки, иморат қуриш учун қўйилган пойдевор ичига ҳам экин экилган.

– Ҳамманинг ҳовлисида бир парча бўлса ҳам ер бор, – дейди Шавкат ака. – Агар ҳар бир оила томорқасидан унумли фойдаланса, доим рўзгори бут бўлади. Қолаверса, ўз эhtiёжидан ортган маҳсулотни бозорга чиқариб, даромад топади. Албатта, бунинг учун озгина ҳафсала ва кунт билан меҳнат қилиш керак.

Яқинда маҳаллада "Сайхунбод" таърибаси асосида 10 та хонадон танлаб олиниб, иссиқхона, чорвачилик, узумчи-лик, паррандачилик йўлга қўйилди.

Амир Темури кўчасида истиқомат қиладиган Ҳамидулла Турдиев хонадониди ҳам иссиқхонадан самарали фойдаланиб келинмоқда. Бундан ташқари, хонадон эгалари биогумус тайёрлашни йўлга қў-

раклигини кўп такрорлайдилар, – дейди маҳалла раиси Ғофир Соипов. – Бунинг замирида аҳолининг фаровон яшаши, яхши даромад топиши, орзу-ҳавас кўриши мумкин. Шунинг учун бу масалага катта эътибор қаратиляпти. Зеро, томорқачиликнинг ривожланиши оилаларга барака киритиш билан бирга аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам катта аҳамият касб этади.

Яқинда томорқасини қаровсиз қолдирган хонадон эгалари уч қарра кўп солиқ тўлаши ҳақида қарор чикди. Бу борада ўртаовулликларнинг кўнгиллари хотир-жам. Сабаби, маҳалла аҳли бир парча ерни ҳам бўш қўйишмайди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолiddин ҲОҶОНОВ
олган суратлар

▼ Семинар



"СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ"НИНГ ТАБИИЙ МУАММОЛАРИ

Чиноз туманидаги "Қир" маҳалла фуқаролар йиғини биносидида "Босма оммавий ахборот воситаларида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш масъулияти" мавзусида семинар машғулоти ўтказилди. Унда вилоятнинг шахар ва туманларидаги тахририятлар бош муҳаррирлари, журналистлар, уюшма аъзолари қатнашишди.



Машғулотни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев олиб борди.

Қизғин баҳс ва мунозараларга бой ўтган тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов, профессор Беруний Алимов иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар интернет журналистикаси

ривожланаётган бир пайтда босма оммавий ахборот воситаларида сунъий ақл имкониятларидан фойдаланиш ва унинг ўзига яраша масъулияти ҳақида батафсил маълумот беришди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Яқинда бу каби машғулотларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этишга келишилди.

Аҳмаджон ХОДЖИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси вилоят
бўлими мутахассиси

▼ "Toshkent haqiqati" tanishtiradi

YANGI TAYINLOV



Axmedov Soxib Nur-muhammad o'g'li – O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya viloyati agentligi Toshkent milliy boshqarmasi boshlig'i o'rinbosari lavozimiga tayinlandi.

S. Axmedov 1983-yil Angren shahrida tug'ilgan. Ma'lumoti - oliy, 2004-yilda Toshkent davlat pedagogika institutini bakalavr hamda 2007-yilda O'zbekiston jismoniy tarbiya institutini magistratura bosqichlarini muvaffaqiyatli tamomlagan.

Tayinlovga qadar, Olmaliq shahar hokimi o'rinbosari lavozimida faoliyat ko'rsatib kelayotgan edi.

▼ Дарвоке



8 март муносабати билан неча кун дам олашимиз?

Жорий йилда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни шанба кунга тўғри келади. Демак, 5 кунликлар учун дам олиш куни 10 март, душанбага қўчирилади.

Шундай қилиб, 5 кунликлар учун 3 кун кетма-кет дам олиш куни бўлади:

8 март, шанба – байрам;
9 март, яшанба – барча учун одатий дам олиш куни;
10 март, душанба – қўчирилган дам олиш куни.
6 кунликлар учун 10 март (душанба) иш куни ҳисобланади.

▼ Маҳалла – менинг тақдиримда

ЯНГИЛАНАЁТГАН "НАВБАҲОР"

Маълумки, жойларда аҳолининг турмуш тарзи ҳамда ҳудуднинг инфратузилмаси яхшилланиши бевосита маҳалла еттилик-гининг сая-ҳаракатига боғлиқ. Яқинда Оққўрғон тумани марказидан 25 чақирим узоқликда, Сирдарё бўйларида жойлашган "Навбаҳор" маҳалласида бўлди.

Маҳалла ҳавас қилгулик: равон кўчалар, таъмирдан чиққан мактаб, янги қурилган маҳалла биноси, фойдаланишга топширилиш арафасидаги болалар боғчаси, маданият саройи, кўркам истироҳат боғи... Буларнинг барчаси одамлар учун.

– Айни вақтда маҳалламиздаги 725 та хонадонда 3 минг 833 нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди маҳалла раиси Абдулазиз Одилов. – Солиқ тушумидан ажратилаётган 10 фоиз маблағга маҳалладаги камчиликларни бартараф этяпмиз. Маҳалла еттилиги ишлаб чарчамайдиган ёшлар жамланган. Ўтган вақт мобайнида "Опен бюджет" лойиҳасида 7 марта ғолиб бўлди. Натижада 380 та хонадон газлашти-

рилди, кўплаб кўчалар асфальтланди, 31-сонли мактабнинг спорт зали қайта таъмирланди. 32- ва 33-сонли мактаблар учун ўқув жиҳозлари сотиб олинди. Маҳалламизда ишсизлар деярли йўқ. Худудда 26 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилган бўлиб, ўтган йили 206 нафар фуқарога тадбиркорлик йўналишида имтиёзли кредит ажратилди. 18 нафар фуқарога субсидия асосида 99 млн. сўмлик асбоб-ускуналар олиб берилди, юздан ортиқ ишсизлар ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 14 нафар фуқаро шартнома асосида ишлаш учун хорижга юборилди, даромади кам 26 мигрант ортага қайтарилиб, доимий бандлиги таъминланди.

Маҳалладаги "ENKO-NTCH" кор-

хонасида 60 дан ортиқ аҳолининг бандлиги таъминланган. Тайёр маҳсулотлар хорижга экспорт қилинади.

– Корхонамизда қўл меҳнати асосида 15 турдаги стол-стуллар тўқилади, – дейди иш бошқарувчи Мухлиса Ҳақимова. – Маҳсулотимизнинг асосий қисми Россия ва Европа давлатларига экспорт қилинади. Ишчиларнинг ўртача маоши 3,5-4 миллион сўмини ташкил этади.

Маҳалла еттилиги тизимли ишларни жорий йилда ҳам давом эттириш ниятида. Хусусан, 48 нафар ишсиз фуқарога 550 млн. сўм кредит ажратилиб режалаштирилган. Шундан 20 та хонадонда иссиқхоналар ташкил этилади. Бундан ташқари, 202 гектар ер майдонида 670 нафар фуқаро "Бир контур – бир маҳсулот"

тамойили асосида турли сабзавот, кўкатлар ва дуккакли маҳсулотлар экиши кўзда тутилган.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ташаббусига кўра, Эртош ва Давлатобод кўчаларининг 1 минг 400 метрига узум сўрилари тортилган. Тез орада Паркент туманидан узум қўчатлари келтирилиб, экилади.

Режага кўра, маҳалланинг Марказий кўчасида 24/7 сервис хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Истироҳат боғи учун 2 млрд. 700 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, у ерда болалар учун ўйингоҳ ташкил этилади.

Дарвоқе, ўтган йили август ойида ташкил этилган маҳалла сервис компанияси қатор



муаммоларни бартараф этишни зиммасига олган. Мисол учун ободонлаштириш, сантехника хизматлари, ҳатто дурадгорлик ишларини ҳам бажаришмоқда. Компания раҳбари Тоҳир Тошпўлатовнинг айтишича, 20 нафарга яқин ходимлар куну тун эл хизматида.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Аслидани АЛИЖОНОВ
олган суратлар



ХУСУСИЙ СПОРТ КЛУБЛАРИ ФАОЛИЯТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ



Учрашувда вилоятдаги хусусий спорт клубларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Бугун қатор хусусий

спорт клубларининг тегишли бошқармалар билан ҳамкорлик қилмай, ўзбошимчалик билан алоҳида фаолият юритаётгани истёждодларни кашф этишга тўсқинлик қилмоқда, — деди вилоят ҳокими. — Эндilikда бу каби ҳолатларга чек қўямиз. Бун-

дан бўён мутасадди ташкилот ва бошқармалар билан ҳамкорликда спорт клублари очиб, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганларга имтиёзли кредит ва ер майдонлари ажратилади. Шу орқали хусусий спорт мактаблари билан ҳамкорликни

куचाйтириб, соғлом рақобат яратамиз.

Айтиш мумкинки, ҳозирда вилоятда 98 та турли йўналишдаги спорт клублари фаолият олиб бормоқда. Ушбу клубларда 5 мингдан ортиқ аҳолининг шуғулланиши учун шaroитлар яратилган.

Сайёр қабул давомида иштирокчиларнинг вилоятда спортни ривожлантириш, хусусий спорт фаолиятини кенгайтириш бўйича таклиф ва ташаббуслари тингланб, улар билан ҳамкорликда ишлаш бўйича мутасаддиларга топшириқ берилди.

Ўз мухбиримиз



"МЕНИНГ МАҲАЛЛАМДА ЖИНОЯТ БЎЛМАЙДИ"

Нурафшон шахрида вилоят Адлия бошқармаси томонидан ОАВ ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда бошқарма бошлиғи ўринбосари Рашид Мирзахметов вилоят адлия органларига юклатилган устувор вазифалар, шу жумладан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, нотариат ва адвокатура йўналишларида ўтган йил бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Жумладан, ҳисобот даврида жами келиб тушган муурожаатларнинг 19 минг 815 таси ҳал қилинган. Шу жумладан, 14 минг 489 таси қаноатлантирилиб, 5 минг 326 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган. Шунингдек, 973 та мониторинг

ва 573 та ўрганиш ўтказилиб, 73 минг 368 та қонунбузилиши ҳолатларини бар-тароф қилиш бўйича тегишли ташкилотларга 1 минг 140 та тақдиминома, судларга 78,6 млрд. сўмлик 756 та даъво аризалари киритилган. Ҳуқуқбузарларга нисбатан 680 та маъмурий материаллар расмийлаштирилган.

Муурожаатларни қўриб чиқиш натижаси бўйича фуқаролар манфаатида судларга 44,3 млрд. сўмлик 478 та даъво аризалари киритилиб, 37,5 млрд. сўм ундирилди.

Шунингдек, ушбу соҳада ўтказилган 103 та мониторинг, 137 та ўрганишда аниқланган 4 минг 875 та қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 547 та тақдиминома киритилди ҳамда 173 та маъмурий

иш материаллари расмийлаштирилди.

Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 125 нафар шахс интизомий, 171 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда ноқонуний қабул қилинган 1 минг 600 дан ортиқ ҳужжатлар бекор қилинди, мувофиқлаштирилди ва ижроси тўхтатилди.

Жорий йилда маҳаллаларда ҳафтанинг ҳар чоршанбасида «Ҳуқуқий тарғибот куни» тадбирларини ташкил этиш графиги белгиланган. Уларда «Online-mahalla» платформасига киритилган ва жойлардаги муаммоларнинг ҳуқуқий ечимлари қаратилган манзилли, аҳоли учун энг долзарб масалаларни аниқлаш ҳамда улар юзасидан ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар бериш назарда тутилган.

▼ Матбуот анжумани

Шунингдек, Президентимизнинг 2025 йил 3 январдаги «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, маҳаллаларни хавфсиз ҳудудга айлантириш мақсадида «Менинг маҳалламда жиноят бўлмайди» шиори остида тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

▼ Фармон ва ижро



ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИГА ҲУҚУҚИЙ КЎМАК БЕРИЛМОҚДА

Нурафшон шахрида Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан тадбиркорлар учун семинар-тренинг ўтказилди.

Унда иштирокчиларга тадбиркорлик, бухгалтерия ва ишлаб чиқариш тармоқларида керак бўладиган муҳим маълумотлар етказилди. Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 14 ноябрдаги "Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросига эътибор қаратилди.

Ҳозирги пайтда бошқарма томонидан вилоятда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш, нархларни сунъий ошириш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида бозорлар, савдо дўконларида кунлик мониторинг кузатувлари олиб бориляпти. Тўпланган маълумотлар умумлаштирилиб ягона ахборот базасига киритиб борилмоқда.

Шунингдек, ўсимлик ва пахта ёғи, ун ва шакар маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан якуний истеъмолчига етиб боришига қўйилган қан-дай бўлишини қўриб чиқиди.

Семинарда давлат харидлари ва савдоларда рақобатга зид ҳаракатларни содир қилиш оқибатлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

— Тадбиркорлар билан бу каби мулоқотларни кўп таш-

кил қиламиз, — дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Жўрабек Исмаилов. — Муҳими, улар соҳага оид қонунчиликдан хабардор бўлишсин. Бугун ҳам улар билан жараёнда учраётган муаммоларнинг ечимлари қандай бўлишини қўриб чиқиди.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатяптики, 2024 йилда вилоятдаги 43 та корхона томонидан 28 миллиард сўмдан ортиқ қийматдаги маҳсулотлар биржа савдолари орқали сотилган. Шу даврда 16 та корхона томонидан биржа савдоси қондалари ва Рақобат тўғрисидаги қонун талаблари бузилиши аломатлари бўйича иш қўзғатилиб, уларга нисбатан 3 миллиард 857,8 миллион сўм молиявий ҳамда корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди.

Маълумотларга кўра, вилоятда "Товар ёки молия бозорида устун мавқеини эгаллаб турган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг давлат рестри"га киритилган ҳўжалик юритувчи субъектлар сони 11 та, маҳсулот ва хизмат тури 20 тани ташкил этади.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

▼ Билиб қўйган яхши

Хорижий тилларни ўрганиш инсонга кўплаб имкониятларни тақдим қилади. Саёхатлар, даромадли иш, янги танишувлар шулар жумласидандир. Аммо, бошланишга ўрганиш осонроқ бўлган тил билан қизиққан маъқулроқ, сабаби дунёда ўрганиш қийин бўлган тиллар жуда кўп. Қуйида сизлар билан ўрганиш қийин бўлган тиллар билан танишамиз.

ТИЛ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

5-ЎРИН – ИВРИТ ТИЛИ. Иврит — дунёдаги энг қадимий тил саналади. Унинг ёзилиши ҳам, грамматикаси ҳам тилни ўрганиш вақтида катта қийинчиликларга сабаб бўлади. Ҳарфларнинг барчаси бир-бирига икки томчи сувдек ўхшайди. Бундан ташқари, иврит тилидаги матнни ўнган чапга қараб ўқиш керак.

4-ЎРИН – ИСЛАНД ТИЛИ. Бу ҳам дунёдаги энг қадимги тиллардан бири ҳисобланади. Расман мазкур тилда сўзлашувчилар фақат Исландияда яшашиди. Тилнинг асос грамматикаси 10 асрдан бери даярли ўзгармаган. Лексикаси ҳаддан ташқари қийин. Ушбу тилни мустақил равишда ўрганиш имконсиз.

3-ЎРИН – РУС ТИЛИ. Рус тили ҳам ўрганиш учун қийин саналади.

Бу айниқса, тилни ўзлаштириш истидаги хорижликларга тегишлидир. Товушлар ва ҳарфларнинг кўпчилиги, ургу тушунчаси, синонимлар ҳам ўқувчиларни жуда кўп адаштиради.

2-ЎРИН – АРАБ ТИЛИ. Дунёдаги энг мураккаб тиллардан бири — араб тили ҳисобланади. Араб тилининг ёзуви ҳаддан ташқари қийин. Аслида араб алифбосидagi ҳарфлар сони 28 та, аммо улар сўз бошида, ўртаси ва охирида келишига қараб турлича ёзилади.

1-ЎРИН – ХИТОЙ ТИЛИ. Хитой тили дунёдаги энг мураккаб тил сифатида Гиннес Рекордлари китобига киритилган. Хитой луғатларида 85 мингдан ортиқ изрoглифлар мавжуд, аммо сўзлашувда уларнинг 7 мингтаси ишлатилади.

ЎзА

▼ Statistika burchagi

АХОЛИНИ РО‘ЎХАТГА ОЛИШНИНГ АНАМИЯТИ НИМАДА?

Har qanday davlatning tarixi — bu, birinchi navbatda, unda yashaydigan xalqning tarixi, aholisining soni va tarkibi, uning iqtisodiy va ijtimoiy tavsiflarida o'z ifodasini topadi.

Dunyodagi har bir mamlakat, o'zining aholisi va uning yashash holati bo'yicha ishonchli ma'lumotga ega bo'lish maqsadida muntazam ravishda aholini ro'yxatga oladi.

Aholini ro'yxatga olish bu mamlakat aholisining muayyan vaqttdagi "fotosurati"ni olish imkonini beruvchi umumdavlat miqyosidagi keng ko'lami tadbir bo'lib, aholi to'g'risidagi ishonchli axborot manbai hisoblanadi.

Aholini ro'yxatga olish — respublikaning butun hududida yoki uning muayyan hududlarida o'tkaziladigan, belgilangan sanada aholining demografik va ijtimoiy-iqtisodiy tavsiflarini belgilovchi shaxsga doir ma'lumotlarni yig'ish hamda ularga ishlav berish davriy jarayonidir.

Aholini ro'yxatga olish sanasi — aholi to'g'risidagi ma'lumotlarni yig'ish va hisobga olish amalga oshiriladigan aniq payt (yil, oy, kun va soat).

Ro'yxatga olish varagi — ko'rsatilgan savollar bo'yicha shaxsga doir ma'lumotlarni yozib olish uchun belgi-

langan shakldagi blanka.

Ro'yxatga olish hujjatlari — aholini ro'yxatga olishga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish jarayoniga taalluqli hujjatlar majmui.

Respondentlar — aholini ro'yxatga olish sanasida O'zbekiston Respublikasi hududida bo'lgan O'zbekiston Respublikasi fuqarolari, chet el fuqarolari va fuqaroligi bo'lmagan shaxslar, O'zbekiston Respublikasida doimiy yashovchi, lekin aholini ro'yxatga olish sanasida uning hududidan tashqarida bo'lgan O'zbekiston Respublikasi fuqarolari.

Ro'yxatga oluvchi xodimlar — O'zbekiston Respublikasining aholini ro'yxatga olishga tayyorgarlik ko'rishga va uni o'tkazishga jalb etilgan, maxsus o'quvdan o'tgan voyaga yetgan fuqarolar.

Uy xo'jaligi — bitta turarjoyda yoki uning bir qismida birgalikda yashaydigan, o'zini yashash uchun



barcha zarur narsalar bilan ta'minlaydigan, umumiy xo'jalik yuritadigan, pul mablag'larini to'liq yoki qisman birlashtiradigan va sarflaydigan shaxslar yig'indisi.

Bu shaxslar qarindoshlik munosabatlari bo'lishi yoki bo'lmasiligi mumkin.

Uy xo'jaligi bitta shaxsdan iborat bo'lishi mumkin.

Respublikamizda aholini ro'yxatga olish bizga nima beradi?

Avvalo, aholining aniq soni, yoshi, jinsi, fuqaroligi, milliy tarkibi (barcha aholi punktlari bo'yicha), oilaviy ahvoli, ma'lumoti, kasbi, uy-joy bilan ta'minlanganlik darajasi, mehnat resurslari, bandligi va ishsizligi, daromad manbalari kabilar bo'yicha batafsil ma'lumot to'planadi.

Binobarin, mazkur ko'rsatkichlar

orqali aholi jon boshiga to'g'ri keladigan makroiqtisodiy ko'rsatkichlar hisoblanadi.

O'z navbatida, yurtdoshlarimiz migratsiyasi to'g'risida aniq ma'lumotlar shakllantiriladi.

Bundan tashqari, respublika va hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, yangi ish o'rinlari yaratish, ayollar va bolalar salomatligini yaxshilash va oilalarga yordam ko'rsatish bo'yicha dasturlarni manzilli ishlab chiqish imkoniyati kengayadi.

Chunonchi, aholi punktlari infratuzilmasini yaxshilash, mehnat resurslaridan foydalanish va joylashtirish bo'yicha qisqa, o'rta va uzoq muddatli prognozlar, dasturlarni ishlab chiqishda bu ma'lumotlar nihoyatda qo'l keladi.

Shuningdek, aholini ro'yxatga olish natijasida milliy barqaror rivojlanish maqsadlarini amalga oshirish ko'rsatkichlarini shakllantirish va monitoringini yuritish, xalqaro tashkilotlar va foydalanuvchilar tahillari uchun keng qamrovli axborotlar manbai yuzaga keladi.

U. SATTAROV,
Toshkent viloyati Statistika boshqarmasi Ro'yxatga olish jarayonini tashkil etish va o'tkazish bo'limi boshlig'i

БЎСТОНЛИК: БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ



ИШСИЗЛИКДАН ҲОЛИ ХУДУД

Президентимиз томонидан камбағалликни қисқартириш, аҳолини доимий даромад ва иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш фаолиятимизнинг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Айни пайтда туманимиздаги 62 та маҳаллада 178 мингдан зиёд аҳоли 50,1 минг оилада истиқомат қилади. Шундан 2 минг 360 таси камбағал оилалардир.

Аввало, сектор раҳбарлари томонидан туманда камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди ва оилалар 5 тоифага ажратилди:

1-тоифа – яшаш шароити яхши, ўзига тўқ;
2-тоифа – яшаш шароити яхшиланаётган (қўмак берса, камбағалликдан чиқадиган);

3-тоифа – даромади паст (иш ҳақи кам, пенсия ва нафақа ҳисобига яшайди);

4-тоифа – эҳтиёжманд ва ночор (уй шароити оғир, озиқ-овқат ва кийим-кечак етишмайди, болаларини боғчага бера олмаётган, даволанишга муҳтож, ногиронлиги бўлган аъзолари бор);

5-тоифа – Ижтимоий ҳимоя миллий рестрига кирмаган камбағал оилалар.

Уларни камбағалликдан чиқариш бўйича дастлабки босқичда қатор ишлар амалга оширилди:

– **аҳоли даромадларини ошириш йўналишида** 728 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди;

– **таълим олиш ва касб-хунар ўргатиш йўналишида** камбағал оилаларнинг 94 нафар фарзандлари мактаб тўғрақларига, чет тили ва бошқа курсларга, боғча ёшидаги болалар эса мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинди;

– **кафолатланган давлат тиббий хизматидан фойдаланиш йўналишида** 1 минг 631 нафар фуқарога тиббий кўрикдан ўтиш ва даволанишга қўмақлашилди;

– **ижтимоий хизматлар йўналишида** 69 та оилага хизмат кўрсатилди.

Умуман, йил бошида Бўстонлик тумани ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгилаб олинган эди. Хусусан, ҳудудларда "Сайхун-обод", "Зарбдор" ва "Уйчи" тажрибаларини оммалаштириш бугун ўз натижасини бермоқда. Жумладан, ҳозирга қадар "Сайхун-обод" тажрибаси асосида 1 минг 144 нафар, "Зарбдор" тажрибаси асосида 320 нафар, "Уйчи" тажрибаси асосида эса 1 минг 112 нафар фуқаро даромад манбаига эга бўлди.

Бундан ташқари, "Бизнесга биринчи қадам" дастури доирасида 453 нафар, "Оилавий тадбиркорлик" дастури доирасида 170 нафар, доимий ишга жойлаштириш орқали 359 нафар, касб-хунарга ўқитиш орқали 99 нафар, бошқа тадбирларни амалга ошириш натижасида 637 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди.

Эътиборлиси, қилинган ишлар натижасида камбағаллик даражаси 4,7 фоизгача, ишсизлик даражаси эса 5,4 фоиздан 1,5 фоизгача пасайди. Эндиликда бу бўйича ишларни давом эттириб, 2025 йил якунига қадар Бўстонликни камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантиришни мақсад қилганмиз.

МИГРАНТЛАР НАЗОРАТДА

Олдимида турган яна бир муҳим вазифа – хорижда юрган тумандошларимизни ортага қайтариш ҳамда уларни муносиб иш билан таъминлаш масаласи.

Айни пайтда 11,3 минг нафар фуқаро



миграцияда бўлиб, шундан 6 минг 419 нафарини эркак, 3 минг 916 нафарини аёллар ташкил қилади. Улардан 7 минг 50 нафари ишлашга, 69 нафари ўқишга, 4 минг 181 нафари эса бошқа сабабларга кўра жўнаб кетишган. Мигрантларнинг асосий қисми Россия ва Қозғистон давлатларида.

Хориждаги тумандошларимизнинг хонадонларига бориб, оила аъзолари билан суҳбатлашиб, шарт-шароитларини ўргандик. Жараёнда ишлашга кетганларнинг 500 нафардан ортиси ойига 500 АҚШ долларидан кам даромад топаётгани маълум бўлди. Уларни уйларига қайтариб, бандлигини таъминладик.

Умуман олганда, ҳозирга қадар 4 минг 666 нафар фуқарони ортага қайтаришга эришдик. Жорий йилда ҳам бу ишларни давом эттирган ҳолда, тумандошларимизни шу ернинг ўзида муносиб иш билан таъминлашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛ

Мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиш натижасида туманда 2024 йилнинг дастлабки 11 ойида 76,4 млн. доллар миқдорида хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Хусусан, "Amirsoy" МЧЖ туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида "Меҳмонхона мажмуасини барпо этиш" учун 7,8 млн. доллар миқдорида инвестиция қиритди. 2025 йилда 100 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Бугунги кунда туманимизда АҚШ, Хитой, Германия, Швеция, Эрон, Афғонистон ва Қозғистон давлатларидаги ҳамкорлар билан биргаликда инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, "Бўстонлик-Фарм" ЭИЗ ҳудудидаги 5,6 гектар бўш турган ер майдонига Россия Федерацияси билан "Қуритилган сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш" лойиҳасини амалга ошириш ҳамда Озарбайжоннинг Боку шаҳрига бориб, инвестор Эмил Агларов билан "Денгиз шамолли" бренди остидаги кўп тармоқли туризм хизматини амалга ошириш лойиҳалари борасида ўзаро келишув имзоладик.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги 4 йил даво-

мида туманимизда умумий қиймати 210,5 млн. доллардан ортиқ бўлган 124 та лойиҳа ишга тушди. Бунинг натижасида 3 минг 540 та янги иш ўрни яратилди. Хусусан, "Zarista-Tech-Bo'stonliq" МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 1,5 млн. доллар бўлган "Тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш" корхонаси фаолияти ташкил этилиб, 400 та янги иш ўрни, "Chinorkent" МЧЖ томонидан 10 млн. долларлик "Дор йўли ва ресторан" фаолияти ташкил этилиб, 50 та янги иш ўрни, "Fan-at Holiday" МЧЖ томонидан 10 млн. долларлик "Соғломлаштириш ва реабилитация маркази" фаолияти ташкил этилиб, 110 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, 2024-2027 йиллар учун умумий қиймати 956,4 млн. долларни (шундан, хорижий инвестициялар 292,6 млн. дол-

лар туристлар оқими ҳам сезиларли даражада ошди. Хусусан, бундан 5 йил аввал туманда 2 минг 240 ўринга эга бўлган 26 та дам олиш маскани фаолият юритар, йилига 850 минг нафар сайёҳ ташриф буюрар эди. Соҳани ривожлантириш йўлида қилинган ишлар натижасида, бугун 13 минг 382 ўринга эга бўлган 59 та йирик туризм объектлари фаолияти йўлга қўйилиб, ташриф буюрувчилар сони қарийб 12 баробарга ошди. Шунингдек, соҳага 2,1 трлн. сўм инвестиция жалб қилинди.

Дарвоқе, ўтган 2024 йил бошида 116,1 млн. долларлик туризм экспортини амалга оширишни олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Якунда йиллик режани 209,7 млн. доллар ортиси билан (325,8 млн. доллар) бажардик.

Ҳозирги кунда туманда 59 та меҳмонхона ва дам олиш зоналари, 625 та оилавий меҳмон уйлари, 5 та хостел, 13 та санатория ва дала ховли фаолият кўрсатмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугун туманда меҳмонхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар томонидан АҚШнинг "Wyndham Hotel Group" компаниясига тегишли бўлган "Ramada-Resort" ва "Wyndham Garden Charvak" меҳмонхона брендлари остида лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга туманда маҳаллий ва хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи 9 та фирма мавжуд.

Мисол учун, ўтган йилда "Dragon tour" МЧЖ туристик фирмаси томонидан Хитой давлатига амалий ташриф чоғида Хитойдан Ўзбекистонга 100 минг нафар сайёҳ ва инвесторлар саёҳатини ташкил этиш бўйича шартнома тузилган бўлиб, бугунга қадар 20 мингдан ортиқ туристларнинг сайёҳатлари амалга оширилди.

Келгусида бошқа давлатлар билан ҳам туристик алоқаларни йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТЛАР

Бугун юртимизда келажақ авлодга бўлган эътибор ҳар қачонгиданда кучли. Уларнинг илм олиши, изланиши, етук кадр бўлиб етишиши учун барча шароитлар мавжуд.

Хусусан, туманимиз мисолида айтиладиган бўлсак, ҳозирги кунда ҳудудда жами ёшлар (14-30 ёш) 34 минг 921 нафарни ташкил этиб, уларни доимий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Жорий йилда олиб борилган ўрганишлар натижасида 412 нафар йигит-қиз "Ёшлар дафтари"га қиритилиб, уларга 1,9 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. 190 нафар ёшга деҳқончилик қилиш учун "маҳалла еттичилиги" тавсияси билан 110 гектар унумдор ер бўлиб берилди.

Шунингдек, ёшлар муаммоларини ҳал қилиш бўйича алоҳида тизим яратилиб, ҳар ҳафта сектор раҳбарларининг ёшлар билан мулоқотларини ўтказиш йўлга қўйилди ҳамда улар томонидан кўтарилган 164 та муаммо ихобий ҳал этилди.

Минглаб ёшларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқарган маҳалла ёшлари ўртасида ўтказиладиган "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг 2024 йилги мавсумида иштирок этиш учун тумандан 22 мингдан зиёд ёшлар рўйхатдан ўтди ҳамда мусобақаларнинг вилоят босқичида 8 та 1-ўрин, 2 та 2-ўрин, 2 та 3-ўрин, жами ҳисобда 12 та медаллар жамланмасаи кўлга қиритилди, республика босқичида иштирок этган ёшларимизнинг 3 нафари шохсупадан жой олди.

Келтириб ўтилган барча рақамларнинг туб негизиде, аввало, инсон манфаатлари турибди. Ислохотлар меваларидан баҳраманд бўлаётган юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланмоқда.

Бўстонлик тумани ҳар томонлама ривожланаётган ҳудуд сифатида бундан буён ҳам аҳоли фаровонлигини ошириш йўлидаги изчил ислохотларни давом эттиради. Биз биргаликда фаровон ва барқарор келажақ сари интиламиз!

Жўрабек АХМЕДОВ,
Бўстонлик тумани ҳокими



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentская pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV

(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Behzod QOBULOV

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Nozima RASULOVA

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 20.10.

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-235.

3 931 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta "Toshkent haqiqati"

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.